

ПОРПАЙВЕР ТОАБАД, ИҚБОЛ ҚУЁШИ!



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

1995 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ • СОҲУВДА НАРХИ ЭРКИН 1 сентябр, № 35 (3322)



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БАЙРАМ ТАБРИГИ

Айгитилганлар!
Ардоқли меҳмонлар!
Бугун — Ўзбекистон давлати, Ўзбекистон халқи учун энг буюк байрам.

Истиқлолимизнинг турт йиллик муқаддас тўйини-нишонлар эканми, шу муътабар ва гузал заминда яшаётган ҳар бир инсоннинг юраги гурур ва ифтихорга тўлини табиийдир.

Бизнинг қадимий ва бой тарихимизни, улуг аجدдоларимиз ва улар қолдирган бекиёс маданият мерос башариёт маданияти ва ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилганлиги бугун жасон тан олади.

Она юртимиз Ўзбекистон тўрроғида, бетакор ва гузал дёрлар, нене улуг аждодлар ва буюк зотлар яшаб турган. Улар биз ворис бўлиб турган бугунги тарих ва маданиятни бизга мерос қилиб қолдирдилар.

Ҳар бир авлод эл-юртининг тарихини ва обрўини узининг фарзандлик муҳаббати ва эътиқоли, садоқати ва бунёдкорлиги, матонатли ва мардлиги билан берди эътиди.

Бизнинг бугунги энг буюк назиғимиз ва муқаддас бурчимиз — Ўзбекистон тарихидан унимизга муносиб саҳифа очиб ва уни авлодларимиз учун ибрат буладиган олижаноб ва савобли ишлар билан тўлдириб.

Биздан мангу қоладиган ватан шону-шухрати, қудрати ва салоҳиятини юксалиши учун унимизнинг фидойи меҳнатимиз билан муносиб ҳисса қўшилиши!

Мухтарам дустлар!
Утган турт йил мубайнида одамшумул воқеалар, ҳам сиёсий, ҳам маънавий, ҳам иқтисодий ҳаётимиздаги буюк қўллар ҳавас қилса арзийдиган катта узғаришлар меҳнаткаш халқимиз меҳнати тўғрисида амалга ошди.

Турт йил ичида Ўзбекистон салоҳияти, унинг улдузроқ истиқболли бугун дунё томонидан тўлиқ эътироф этилди.

Турт йил ичида биз буюк келажакимизнинг маънавий асосларини белгилаб олдик.

Миллий қадриятларимизни тикладик.

Буюк аждодларимизнинг муборак номларини миллий боши узра баланд кутариб, уларнинг руҳларини шод этдик.

Юртимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорлиқни сақладик. Барқарорлик шароитида миллий давлат

— бепоён далағарли, яшил фабрикаларда буюк келажак ордусида пок йиллар билан мардона меҳнат қилётган дехқонларимизни ва ишчиларимизни,

— халқимиз маънавий хазинасига муносиб ҳисса қўшаётган олимларимизни, ишқорларимизни, барча зиёлиларимизни,

— донишманд ота-онларимизни, дуоғуи онахонларимизни, мунис ва гузал аёлларимизни,

— истиқлол юқини елкага олишга шай бўлиб турган мард йилларимизни,

— гузал ва ифбатли қизларимизни,

— бегубор болаларимизни,

— худлас, бугун Ўзбекистон элини буюк санъат — истиқлолнинг муборак турт йиллик байрам билан чин қалбимдан муборакбод этаман! Қадридон юртдошларим!

Президент сифатида, шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир одамнинг таълим ва тарбияси билан биринчи равишда рағбат ва амаллар тилайм!

Эзу ва пок йилларимизни амалга оширишда олдоҳнинг узи бизга мададкор бўсин!

Халқимизнинг насибасини зиёда этсин!

Юртимиз доим омон бўлсин!

Шу муқаддас заминимизда яшаётган ҳар бир инсон ўз муродида етсин!

Тўғри йўлдан аниқ мақсад сари

30-31 август кунлари Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, бир қатор идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шунингдек хорижий давлатларнинг элчилари ва вакиллари иштирок этдилар.


Олий Мажлис раиси Э.Халилов депутатларни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Референдум натижаларига қўра узайтирилган ваколатлари мўддатини президентлик лавозимда бўлишнинг иккинчи мўддати, деб эътироф этиш тўғрисидаги баёноти ҳақида сайловчилар фикрини урганиш бўйича Олий Мажлис иккинчи сессиясида тузилган комиссиянинг ҳулюсаси билан таништирди. Парламент ушбу масалани муҳокама қилиб, тегишли қарор қабул қилди.

Сессияда Президент Ислам Каримов катта нўтқ сузлади. Утган турт йил берган сабоқлардан бири шунки, — деб таъкидлади у, — халқимиз узининг буюк тарихини теран англади, аждодларимиз қолдирган буюк меросдан баҳраманд бўлди, ўз келажакини, ўз истиқболини буюк тарихимиз мезори билан улчашни, уни аниқ ва кенг қўламада тасаввур этишни урганди... Истиқлолнинг турт йили берган яна бир сабоқ шундан иборатки, асрлар лавомида зулм ва истибод остида мурт ва тарқоқ бўлиб яшаган ўзбек миллати ягона ва жипс миллат сифатида шакллана бошлади, эркин ва овоз миллатга хос гурур ва онг касб этди. Бугун биз нимаики ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси ана шу гурур ва ана шу юксак онг меваларидир.

Халқ депутатлари, кейинчалик бугун халқимиз зур ҳаяжон билан тинчлаган маъзур нўтқда юртбошимиз сўнги турт йил ичида эришилган энг эркин натижаларни, мамлакатимизнинг бугунги ва

порлоқ эртасини кенг шарҳлаб берди. Ўзбекистон ҳаритасида янгиликдан пайдо бўлаётган қушма корхоналар, қад ростилаётган завод-фабрикалар, халқаро аҳамиятта молик нуфузли иншоотлар — буларнинг ҳаммаси халқимиз фаровонлигига, миллат қадимининг ростилаётган хизмат қилди.

Бунни чуқур ҳис этган халқимиз аҳиллик билан, кунгини кенг қилиб, ютуқлардан самимий қувониб, қийинчиликларга бардош бериб, қурмоқчи бўлган янги демократик давлатимиз шакли шамойилларини тезроқ қарор топтириш йўлида оғишмай меҳнат қилмоқда. Эндиги вазифа — улуг илоҳий неъмат — Истиқлолни ҳимоялаш, мустаҳкамлаш, қадрлаш, куз қорачуғидек асраб-авайлашдан иборат. Бу тўғрисида миллий онгимизга сингасина, ақидамизга айланасина мақсадимизга тўла эришамиз. Бизни ҳеч қандай куч танлаган турт йилдан қайтара олмайди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЧИНГИЗ ТУРАҚУЛОВНИЧ АЙТМАТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ДУСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқлар уртасида инқушган улкан ҳиссаси Айтматов «Дустлик» орсонпарварлик ва умучун — ёзувчи, таниқли дени билан мукофотминсоний қадриятларга жамоат арбоби Чингиз лаансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,
1995 йил 30 август.



ЧИНГИЗ ОҒА ТАШРИФИ

Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун мамлакатимизга келган меҳмонлар орасида таниқли киргиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ҳам бор. Кеча куннинг иккинчи ярмида Президентимиз Фармонига биноан «Дустлик» ордени билан мукофотланган адиб ҳамроҳлари — Қўлтой Мухаммаджонов, Қадарбек Найманбоев, Мухтор Шаханов ва бошқалар билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига ташриф буюрдилар. Уюшма раиси шоир Жамол Камол, шунингдек оқсоқол адибларимиз Ойди Екубов, Шукрулло, Изаат Султон, Пиримқул Қодиров меҳмонларни самимий қўлаб мустақиллик шарофоти ила овоз дериғимизда амалга ошириладиган узғаришлар тўғрисида сузлаб беришди.

Ўзбек халқининг жон дустини, олам аро машҳур адиб Чингиз оға ўз сузида Президентимиз Ислам Каримов уртага ташлаган ва бугунги кунда бугун минтақа жамоатчилиги томонидан қўлаб-қувватланаётган «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатини чин дилдан маъқуллашини билдирди. — Бугун энди зиеллар олдида тамомила янги шароит юзага келди, — деди у ўз сузида. — Мирқиқиб, қорниқиб ёздиған, мўблатини, Ватанини дунёга танитдиған замонлар келди. Сиз, ешлар, бу борада бизлардан узиб кетиниларингиз керак. Аммо, шунини ҳам унутмаслик керакки, зиелнинг масъулияти жуда катта. Унинг сузи одамларни бир-бирига ақинлаштириши, эзгуликка чорлаши зарур. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмас.

Ўз ахборотимиз



Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

ТУРКИСТОН ФАРЗАНДИМАН

Туни тоғта улаб яшайман,
Истиқболни уйлаб яшайман,
Бахтим, тахтим қўйлаб яшайман,
Туркистон фарзандиман!

Бир чинорнинг адибларимиз,
Бир чаманин юдуларимиз,
Буюк давлат — ёр, дўстларимиз,
Туркистон фарзандиман!

Қозоним широйим дейман,
Қирғизимни туганган дейман,
Тоғлигим рафиқим дейман,
Туркманимни доғаним дейман,
Туркистон фарзандиман!

Ўз уйимиз — момо Туркистон,
Меҳр билан мангур ҳар макон,
Чин дўстликка танаир жаҳон,
Туркистон фарзандиман!

Ватаним сев ибонинг билан,
Ифтихоринг ту давронинг билан,
Қўтуғу, улуг оёғининг билан,
Туркистон фарзандиман!

Елиб яша, элиб билан бўл,
Савоб айлал, дилнинг билан бўл,
Оллоҳ берган йўлинг билан бўл,
Туркистон фарзандиман!

Бизники бу азиз, хур дёр,
Туғроғи зар, мангудик баҳор,
Аждодлардан табаррук ёдор,
Туркистон фарзандиман!

Йўлда толмас мангур қарвоним,
Ола бошлар жасур Сарбоним,
Давлатбошим — номус, иқлолнинг,
Туркистон фарзандиман!

Турунзамин — олтин белақич,
Манзил сари чорлар келажак,
Биздан обод Ватан қолажак,
Туркистон фарзандиман!


МУКОФОТЛАР МУБОРАК

Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат театри гримери Б. Шарипов, «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» руномалари бош муҳаррири Э. М. Эрнатаров, радиожурналист О. Тилобердиев, актёр В. Цветковлар «Шухрат» медали билан тақдирландилар.

ЎзРФА Тарих институтининг директори А. Асқаров, ЎзРФА Навоий номидаги Давлат адибнинг музейи бўлим мудирини М. Ш. Қодирова «Ўзбекистон республикасида хизмат қўсатган фан арбоби» унвони билан, Д. Зокиров номли халқ чолу асбоблари оркестрининг бадий раҳбари М. Бафоев, «Тановар» раке дастасининг бадий раҳбари Ю. А. Исметова, «Узтелерадиокомпанияси» миллий эстрада оркестрининг бадий раҳбари А. М. Назаров «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган санъат арбоби» унвони билан, «Миллий тикланиш» газетасининг бўлим мудирини М. Муродова, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигини бош муҳарририни А. М. Тошқужаев «Ўзбекистон республикасида хизмат қўсатган журналист», Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигини таржима таҳририятининг бош муҳарририни М. Бобоев «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган маданият ҳодими» унвонлари билан тақдирландилар.

Шунингдек, таниқли санъаткорлар — Марат Азимов, Жамил Зокиров, Қозим Қаюмов, Мирзатилла Холимов ва бошқалар «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган артист» унвонига сазовор бўдилар.

Мукофот соҳибларини самимий қўлаймиз.



Байрам шодиёналари

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАНАС» ДОСТОНИ 1000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАДАГИ СЎЗИ

Мухтарам Аскар Акаевич! Хурматли меҳмонолар, азиз кизгин табриклайман!

Авалло, барчангизни қардош кизгин деридаги улкан шонинга — буюк «Манас» эпосининг 1000 йиллик туйи муносабати билан Ўзбекистон халқи номидан кизгин табриклайман!

Азиз дустлар!

Дундаги жуда кўп халқлар уларнинг буюк-буюк устозларини, мутафаккирларини улуглашди олаёт бўлиб қолган. Бунинг кичикки яхши билди.

Лекин бугунги 1000 йиллик туйда қатнашимиз, шунинг эътибори кизгин қадимий илгизлари ниҳоятда чуқурлигидан ниҳоятда, деб биланам. Шу билан бирга, деб биланам. Шу билан бирга, деб биланам. Шу билан бирга, деб биланам.

Бундан ҳар қанча фахрлансак, гурунсансак арзийди. Бундай бахт ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бу туй нафақат кизгин эли учун, балки қадимий ва муқаддас Туркистон заминда асрлар буйи оғанини бўлиб яшаётган барча халқлар учун катта тантана, эр шулу хуррамликдир.

Биз, ўзбеклар, бугун «Манас» эпосининг туйида қатнашар эканамиз, бир нарсалдан ҳаққоний фахрланганимиз ҳаққимиз бор.

Қани айтинлар!

Кизгин халқининг улуг улони Манаснинг суюкли умр

йулдоши, елкадоши, тоғу таянчи ким булган?

Унинг маслакдоши, дostonда айтилгандек, энг қийин кунларида, умрининг охиригача салоқатли сафдоши ким булган?

Биз, ўзбеклар, катта гурур билан, фахр билан айтаемизки, бу аёл Бухоро хонининг суюкли кизини Хоникей булган.

Шундан кейин, азизларим, ўзбек ва кизгиннинг қардошлигига яна қандай далил керак? Яна қандай исбот керак?

Азиз дустлар!

Туйнинг ажайиб хусусиятларидан бири шундаки, у ўзқизларни ақин қилади, яқинларни эса тагин ҳам жипшлаштириб қадрдон қилади.

Биз бугун жаҳон маданияти хазинасига «Манас» лек асар билан муносиб хисса қўшган кизгин халқининг даҳоси ва бадиий тафаккури билан ҳақли равишда ифтихор қилаемиз. Чунки кизгин халқининг тарихи ва тақдирини барча туркий халқларнинг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам тарихи ва тақдирини билан муштарак боғлиқдир.

Бизнинг ота-боболаримиз: «Бозоримиз ҳам, мазоримиз ҳам бир» — деб утганлар. Яшиг-ёмон кунларида қисмат синовларини биргалликда бошдан кечирганлар, боқинчи эваларга қарши бирга курашганлар, дустлик бурчида ҳаммиса солиқ қолганлар.

Туркистон халқларининг мумтоз миллий қаҳрамонлари — Гургули, Алпомиш, Манас, Ойсулов, Авазон сингари сиймоларга хос хусусиятлардан бири шуки, бу одамлар доим ўз атрофларига элу

халқни йиғадилар, юртни обод, ҳаётни фаровон этидилар.

Кизгин халқининг миллий қаҳрамони, доимий Манас тарқоқ кизгин қабиладарини, барча туркий элларни бирлаштиришга интилади, одамзода доимо ватанпарварлик ва мардикдан сабоқ беради.

Қудратли ва салоҳиятли давлат барпо қилиш, уни таракқий этириш — Манас ботир ҳаётининг бош мақсади ва мазмуни эди.

Бу олижаноб гою — ҳар доим бирга бўлиш, дуст бўлиш, ҳамдир, ҳамнафас бўлиш биз учун, яқинда мустақилликка эришган Марказий Осиё халқлари учун бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазифадир!

Азиз бовурлар!

«Манас» кизгиннинг азалий ва абадий қомусидир, деб айтсак асло муболага бўлмайди.

Юз йиллар оша ўз ота-боболарининг қутлуг меросини кўз қорачигидай асраб-авайлаб келатган қардош-жондош кизгин дустларимизнинг бу борадаги ишлари ҳар қанча таҳсинга сазовор.

Шунинг учун ҳам бу дostonни яратган ва унга асрлар давомида сайқал бериб келган кизгин халқининг бадиий заковатига, ноёб истеъдодли манасчи оқинларга ўз эҳтиромимизни, хурраматимизни изҳор этиш бизнинг бурчимиздир.

Яқинда Тошкентда бу салобатли дostonнинг ўзбек тилидаги янги таржимаси босилиб чиқди. Биз ҳам «Манас» гузалликларидан халқимизни баҳраманд қилиш ишита катта хисса қўшган атоқ

ли шоир-таржимонларимиз Миртемир, Султон Акбарий ва Турсунбой Алашбоевларнинг номларини ҳам ҳурмат билан эслашимиз жоиз.

«Манас»нинг 1000 йиллиги муносабати билан бугун Ўзбекистонда жуда кўп анжуманлар, тантаналар бўлиб ўтди.

Қадри дустлар!

Мен сўзининг бошида халқларимизнинг яқин қариндошлигини тугрида тапирдим.

Уша гузал аёл Хоникейнинг синглиси Арука Манаснинг тугинган иниси Алмамбетнинг хотини экан. Бухоро хонининг яна бир кизи эса Сари Арқадаги қозоқ хони Кукча-ботирнинг аёли булган.

Бундай қариндошлик уша замонларда Бухоро, Талас ва Сари Арқа хонликлари орасида тичлик, оосийншталликка хизмат қилган экан.

Мен шунга демокчиман?

Мен нима айтмоқчиманки, яратганинг узи сиз билан бизга, юртимизга насл-насабимизни асрайдиган, давом эттирадиган гузал аёлларни — табиат мўъжизасини ҳам ато этган!

Шунинг учун, биродарлар, Олтоқ-Тооло бизни, кизгинни, қозоқни, туркманни, тожикни, ўзбеки ва бошқа қардошларимизни ҳеч қачон қиз олиб, киз берилдан, борди-келди қилишдан айирмасин.

Қадрдонларим!

Ўзбек билан кизгин — бир туққан, бир туғишган. Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам, Кизгинистон ҳам қийинчиликларни мардонавор ениб, ўз мустақиллигини мус

тақамламоқда, жаҳон ичра узи га муносиб мавқени эгалламоқда.

Айниқса, Марказий Осиё давлатлари тепасида қарақлаб турган қуёшдан баравар нур эмиб, кукка қараб буй қузаётган азим чинордек бўлиб, бир-бири билан кенгашиб, бир-бирини қўлаб-қувватлаб иш тугатганлари, «Туркистон — умумий уйимиз» ҳаракатининг қундан-қунга кенгайиб бораётгани аини муддао бўлмоқда.


Бу қондошлик-қардошлик ҳаракатининг эзгу мевалар беришида Манас каби улуг миллий қаҳрамонларимизнинг руҳи бизга беқисс маънавий мадал бўлиши шубҳасиздир!

Мухтарам кизгин бовурларим, азизлар!

Манас ва Алпомиш — қиематли дуст. Ўзбек ва кизгин — қиематли дуст. Шундай экан, ижозатларининг билан мен ўзбек халқи номидан, Алпомиш номидан сиз, азизларнинг ҳаммангизини, қадрдон дустим Аскар Акаевич чин дилдан қўламоқчиман!

Манаснинг туйи — бугун Туркистоннинг туйи. Манаснинг туйида қадим дериимизнинг забардаст мутафаккирлари Рузқали, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Маҳтумқули, Абай, Тухтагул, Бердак ва бошқа улуг элларнинг руҳлари шод бўлаётгани рост булсин!

Манасдай сунъчи булган Кизгинистон гуллаб-яшнасин, равнақ топсин!



Эл суйганлар ОРИФ БОБО ХУЗУРИДА

Хузурига кетатиб уйлаб қарасам, Ориф отани курмаганимга ҳам йигирма йилдан кўпроқ вақт утибди. Елкалари кенг, барваста полвонсифат эдилар. Бу гал ҳам уша пайтлардаги таассуротим билан бордим.

Енимда вилоятнинг етакчи раҳбарларидан бири Фармон Омонов. Йулда у кишининг 90 ёшга етиб қолгани, бироқ ҳали анча тетик эканлиги ҳақида гап булди. Дарҳақиқат, бизга пesh-воз чиқан Ориф отанинг қомати расо, қўзларида нур уйнаётгандек эди. Фақат илгаригига нисбатан бир оз озгин қуртар, қадамларини эҳтиёткорлик билан босар эди.

Бу учрашувдан олдин Фармон Омонов Ориф отанинг фазилатлари ҳақида тапирганди. Узоқ вақтлар эл хизматида тургани, узи яшаган қишлоқ ҳаётини кутаришдаги меҳнатлари хусусида, шунингдек беҳад пок ва тозалиги, камсуқум ва камтарлиги ҳақида тилиб-тошиб сузлаганди. Мен Ориф бувани яхши билсам ҳам, вилоятнинг катта раҳбарларидан бундай фикрларни эшитиш анча мароқли эди.

Тукун дастурхон атрофида ҳол-аҳвол сурашишларидан сунг Фармон Омонов Ориф ота ҳақида айтганларини тасдиқламоқчи булгандек у кишини суҳбатга тортиди.

— Қани, Ориф ака, домла сизни зиярат қилгани келибдилар. Сиз кунли курган оқсоқолларимиздансиз. Энди бир суҳбатингизни оламиз-да, — деди.

Мен Ориф ота хижолат тортмаслигини учун:

— Отани мен яхши биламан, бу кишининг кўп хислатлари билан танишман, — дедим.

Фармон Омонов менга қараб:

— Сиз эшитмаган гаплар ҳам бордир, — деди. — Шароф Рашидович билан охириги гал учрашганингизни тапириб беринг, — дея отага юзланди.

— Э-э, утиб кетган гап, уни кўпчилик билади, — деди-да, шошмасдан гап бошлади.

Шароф Рашидов охириги марта Қаршига борганида Косон туманида катта йигилиш чиқарибди. Шу ерга келиб Ориф бувадан хабар олмасдан кетишни эп курмасдан йигилишдан олдин уни ўз хузурига таклиф қилдирибди. Суҳбат куюқ бўлибди. Суҳбат охираётган пайтда Шароф Рашидов Ориф отага шундай деди:

— Ориф ака, мен шу юртнинг қатасиман, бирор камчилигингиз булса айтинг, сизга ёрдам берай.

— Худого шукур, ҳеч қандай камчилигим йўқ, — деди бува.

— Битта ГАЗ-24 берайлик, уғиллар миндириб юришин.

— Йўқ, ташвиш қилманг, мошинга

миниб қаёққаям борардим.

— Ундай булса, янги уй қурдириб берай, олдини боғ қилиб олинг.

— Йўқ, худого шукур, уй-жойим бор, боғим ҳам...

Шароф Рашидов озгина жимликдан кейин:

— Майли, кўчаларингизни асфалт қилдириб берамиз, — деди.

Яшин тезлигига бир фикр ҳаёлимдан утди. «Бу таклифга Ориф ота йўқ демаган булса керак».

— Йўқ, — деди Ориф ота, — кўчаларимиз яхши, текиси, юрса булади.

— Ҳеч нарсга керак эмасми, ҳеч нарсга сурамайсизми? — деди Шароф Рашидов ажабланиб.

— Сураймиз, албатта сураймиз. Қаршига, Қашқадарёга ёрдам қилинг. Бизга ёрдам қилганингиз булади.

Шароф Рашидов бир оз сукутга берилибди. Хил жимликдир. Уридан туриб:

— Юзга киринг, Ориф ака! — деб бува билан худди ота-боладек хайрлашибди.

Шароф Рашидов умрида кўп одамлар билан учрашган. Ким билсин, бу пайт унинг ҳаёлидан нималар утди экан. Бундай камсуқум, ўз нафсини тия биладиган одамларни учратиш ҳақанда булавермайди.

Ориф отанинг чеҳраси очилди, узига хос жимликдир. Шароф Рашидович билан булган уша суҳбатга узи ҳамон беравродек қиефат қилди-да:

— Шароф Рашидов менга «юзга киринг!» дедан. Юзга киришни умид қилиб юрибман, — деди.

Шу билан бу мавзудаги суҳбат тамом бўлиб, қишлоқ ҳаёти, Қўнғиртов қисмати, ерсувларнинг аҳволи, ҳаётда руй бераётган янгиликлар, хусусан қулга киритилган мустақилликнинг келажаги ҳақида фикр олишувлар булди. Бу мавзудаги суҳбатларни Ориф отанинг катта угли Абдухалил бошқарар эди. Ориф ота ва унинг уғиллари, неваралари билан мароқли суҳбатимиз анча давом эди. Эл-юртимизнинг файзи булган бундай пиру бадавлат отахонларимиз билан қанча кўп суҳбатлашсанг шунча кўнглинг кутарилади. Улар қалбидаги улуглик, теранлик сеҳрини ҳис этасан.

Дастурхонга фотиҳа тортишиб, урни-миздан турдик. Қарши шаҳри томон бораётган, ҳаёлимни бир уй банд эди. Биз, худо берган ҳар хил дархатларда пишадирик мева-чеваларни истеъмол қиламиз. Бироқ унинг тубига, илдиизига эътибор қилавермаймиз. Уйлаб курсам, Абдулла Ориповнинг шеърятдаги маънодорлик, инсонийлик, ватанпарварлик каби олий хислатлар у туғилиб устан, тарбия топган муҳитга боғлиқ экан. Бу муҳитда эса Ориф ота етакчи урида турарди.

Матёқуб ҚўШЖОНОВ

Туркистон — умумий уйимиз

ДОИМИЙ ХАЛҚАРО ТАНЛОВИНИНГ 1995 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, Демир қўша корхонаси ва Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси Тартибот марказининг «Туркистон — умумий уйимиз» доимий халқаро танлови хайратли 1995 йил голбларини аниқлашди.

Танлов ҳайъати қарорига мувофиқ бир хил миқдордаги 7 асосий мукофот берилди.

1. Тоҳир ҚАҲҲОРГА «Хур Туркистон учун» китоби учун.
2. Тошпулат АХМАДГА «Имон қалъаси» китоби учун.
3. Насрулла ҚОБУЛГА «Егйи» қиссаси ва «Амир Му-

заффар» видеофилми учун.

4. Мирзапулат ТОШПУЛАТГА «Санам гулханлари» қиссаси учун.
5. Аҳмаджон МЕЛИБОЕВГА Туркистон бирлиги ҳақидаги туркум мақолалари учун.
6. Волфганг ШРАЙБЕРГ (Олмоня), Пирмат ШЕРМУХАМЕДОВ (Ўзбекистон)нинг «Туркистон — умумий уйимиз» экологик китоб-харитаси учун.
7. Абдуқарор ИБРОҲИМОВГА «Туркистон япроқлари» эссе-си учун.

Танлов ҳайъати яна етти муаллифга махсус мукофотлар беришга қарор қилди:

1. Зиевуддин БОБОҚУРБОНГА (Туркия) «Дуне сукуи учун Туркистон давлоиси» мақоласи учун.
2. Ҳамид ЗИЕВГА «Муқаддас қалам» эссе-си учун.
3. Абдулла ЖАЛИЛГА «Бўхтон ва ҳақиқат» китоби учун.
4. Султон АКБАРИЙГА «Туронзамин навоилари» шеърйи туркуми учун.
5. Ҳамроқул АСҚАРГА «Ватан» шеърйи туркуми учун.
6. Бахтиер ХОЛХУЖАЕВГА — хофиз, Ясавий сулуқидоги қўшиқлар туркуми учун.
7. Мухтарам ЭҒАМБЕРДИЕВГА «Туронгул» шеърйи китоби учун.

ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ШАРҲИ

Туркистон бирлиги гоёси азал-азалдан бу худуддаги халқлар юртининг энг турлидан жой олган эди. Миллат мунаварлари ҳаммиса бу ҳақда оруз қилиб келишган. Оллоҳга шукурларким, XX юз йиллик тугаётган бир пайтда буюк заруратни фақат қадимий Туркистон халқлари эмас, жаҳон афкор оммаси тан ола болади.

Танлов эълон қилганимизга бор-йўти икки ой утган булса ҳам эллиқка яқин асарлар танлов ҳайъатига келиб тушди. Матбуотда фақат нашр этилган асарлар қабул қилинади деб тавқиллашти-

мизга қарамасдан вилоятлардан қўлезмалар ҳам келди. Яна бир бор эътироф этишимизки, танлов ҳайъати фақат нашр этилган асарларни қабул қилади.

«Туркистон — умумий уйимиз» доимий халқаро танлови давом этиди. 1996 йил учун асарлар келуси йилнинг 20 августига қабул қилинади. Мустақиллик байрами кунни арафасида голбларнинг номи эълон қилинади.

Биринчи мукофот 100 000 сўм
Иккинчи мукофот 75 000 сўм
Учинчи мукофот 50 000 сўм

Танлов ҳайъати қарорига мувофиқ мукофотлар сони ва миқдори узгартирилиши мумкин.



ТАНАЛАГАН ЙЎЛИМИЗ — ЭЪТИҚОДИМИЗ

Мен кўп йиллар пахта ичида ўсиб, пахта экиб келган минглаб леҳқонларнинг бириман. Деҳқон йил буйи қилган меҳнатига қўла кутарган кирмонига қараб ақун ясагани, баҳо бергани каби биз ҳам истиклолга эришгач, мамлакатимиз қўятган алоқадорлар, бу қадимларнинг самараларига ҳар йили Мустақиллик байрами арафасида баҳо берамиз. Нималарга эришдик, ҳали олдинда яна қандай марралар турибди?

Мен кўпчилик кишлоқдошларим, ҳамкабарим катори бу йилги Мустақиллик байрамини ҳам ана шундай уй-халлар билан кутиб олдим. Рўй-рост айтганидан булса, куйган қадимларимиз ифтихор қилишимизга арзийди.

Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясида юртбошимиз Ислам Каримовнинг маърузаларини ойнаи жаҳон орқали кўриб ва тинглаб, унда тилга олинган янгиликлардан бошим омонга етди. Юртбошимиз мамлакатининг муборак қадимларини шарҳлаб шундай дедилар: «**Бир нарсани катта мамуният қиламиз тақдирламоқчиманки, кўндан-кўн қуралаётган объеклар, авваламбор, ўзимизнинг кучимиз, имкониятларимиз ҳисобидан барно бўлапти. Оғир кунларни бошимиздан кечираётганда ҳам, ўзимизнинг келажакимизни қураётганда ҳам биз қўлимизни чўзиб юрганимиз йўқ, Аввало, ўз кучимизга, салоҳиятимизга ишондик, таяндик. Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятга, ўз сармоялари ҳисобидан йирик ишлаб чиқарини ишпошларини қуришга қўриб етдиларини давлат сифатида узи-кесил тан олдидим.**

Бу сўзларнинг аниқ исботини юртимизда кўриб ишга туширилган унлаб гигант корхоналар мисолидагина эмас, шунингдек, яқинда қурилиши бошланган Навоий — Учқудук — Нукус темир йули, қурилиши режалаштирилган Гузор — Бойсун — Қумқургон темир йули, Учқудукда жаҳондаги энг илгор андозаларга мос келадиган катта аэропорт қуришга тайёргарлик сингари бундан ҳам маҳаббатли унлаб бунёдкорлик режаларида ҳам кўриб турибмиз.

Қулмон ЧОРИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор

қўшига кирди. Бу хабарни эшитиб, беихтиёр қўларимга еш қалқди. Турмуш урғотим эса севинчини яширолмай, одамлар олдида ошқор йитлаб юборди. Негаки, биз кейинги пайтларда «Катта уқшиз асосан тулдор етк ташиб-билдирилари бор одамларнинг болалари кира оладим» деган гапларни кўп эшитгандик. Шунга қарамай, ўзимизнинг кучимизга, кизимизга бир неча ой давомидда ишпошларга жиддий тайёргарлик қўрган эди. Хайрият, ишпошларини зое кетмади.

Албатта, турт йил ичида турт фарзандимнинг кетма кет талаба бўлиши, шу аснода тўт ҳам утқанишим мендек хаста бир одам учун катта бахтир. Қачон шу ҳақда уйлабсам, қайфиятам кутарилиб, дарларим орта чекингандай булади. Мен фарзандим келусида уларни эгаллаган соҳида ҳалол меҳнат қилиб, юртимиз раванқига хисса қўшишларига ишонаман.

ШУКРОНА АЙТСАМ АРЗИЙДИ

Фатхулла МУҲАМЕДОВ (Тошкент):

— Яширмайман, ошинг ҳалол булса, кучада ич деганларидек, Истиклолимизнинг турт йиллиги нишонланаётган ушбу кунни мен қалбимда бир олам қувонч, қўзларимда еш билан кутиб олдим. Чунки бу байрам мен учун ҳам ниҳоятда қадри — ҳар нарсалдан улуг беҳао айемдир. Бунинг узига хос сабаблари бор.

Мен меҳнат фаолиятининг илк куниндан то охирига қадар ҳозирги Комил Ермолов номидаги «Ўзбекфилм» киностудиясида ишладим. Дастлабки ун икки йил ичида олдий вазифаларин бажардим, сунгра ун саккиз йил таъминот бўлиминин бошқардим. Бироқ аянин куч-қувватга тулган, ўз соҳамини сир-асорларини ишдан инсангича пухта узилаштириб олган бир пайтда хасталикка мубтало бўлиб, меҳнатга яраммай қолдим. Узоқ даволаниш яхши самара бермагач, Иттиҳотнирон сифатида нафақата чиққинимга туғри келди.

Турган гап, бу ҳол меннинг

жисмиимизга эмас, руҳиятимга ҳам қаттиқ таъсир қўрсатди. Негаки, уша кезларда беш фарзандимнинг ҳаммаси ҳали еш бўлиб, мактабга ўқиб, меннинг олдимда уларни ўстириб вошта етказиш, ўқитиш, уйл-жойин қилиш вазифаси турарди.

Худого минг катла шукур, ани шундай бир вазиятга олдий ўқитувчи бўлиб ишлайдиган турмуш урғотим Ферузахон барча оғирлик ва масъулиятни танҳо ўз зиммасига олди. Болаларимизни одоб-ахлоқли, меҳнатсевар қилиб тарбиялашга бор куч-қувватини, меҳрини аямди. Аяин чоғда менни ҳам мулоқ оқ ювиб-оқ тараб, олтинчи фарзандлик парварниш қилди. Бунинг мен ҳар доим, айниқса, бугунгидек катта тантаналар чоғида минг бир шукроналик билан тилга оламан. Мустақиллик йилларида жумхуриятимиз ақли эришган ютуқлар бизнинг оила

мизга қилиб боққан бахт ва омадлар билан уйқаниб кетганидан қувонаман.

Мана, меннинг севинчиларим боиси: уч йил бурун туғинчи фарзандим Фаҳриддин турта мактабни битириб, политехника институтига, сиртдан бўлса, ўқитишга кирди. Бир йилдан сунг катта қизим Дилфузахон тиббиет ҳам ширалитига ўқий бошлади. Уттан йили эса иккинчи қизим Дилдорахон Шарққунослик институтини талбалари сифидан урин олди.

Мустақиллигимизнинг туртинчи йили ҳам оиламиз учун қувончларга бой бўлиб, баҳорда ҳам ширалик дилдомини қўлига олши арафасида турган Дилфузахонни турмушга узатдик. Бундан уч ҳафта олдин эса учинчи қизим Гулнорахон худди ака ва оналарини сингари ўз кучи ва билими билан 2-Тошкент тиббиет институтининг даводаш факультетига



Ойдин ХОЖИЕВА, Ўзбекистон халқ шоири

МЕХР БОҒИНИДАМИ КҮМ-КҮК ДАРАХИТМАН

КҮКРАБОТДА

Қишлоқ шифохонаси бош ҳақими Б. Холов ҳар йил болалар учун мойгачак экади...

Ўттиз йилки, шеър ишқиде ёниб юрган Шоир онам сени кўриб ерга тушди. Минг бир савол гирдобиде ул дафъатан Жавоб излаб минг бир хаёл, ўйга тушди.

Зийнат бўлсин дедим элга, сўз танладим, Ипакдайн бахмалини, атласини. Шеърки агар нон бўлмаса, мен англадим: Йиртиб отай шеърларимни ҳаммасини!

Ёганларим Бир ишла чой ўрнида ўтармикин? Битта иссиқ нон ўрнида ўтармикин? Аланга оташ ичра ёнаётган Танапта дармон ўрнида ўтармикин?

Кўзларингнинг мўлтираган юлдузлари Юрагининг осмонига кўча бошлар. Бардошимнинг ерда маҳкам илдизлари Чўлда каврак томиридай кўча бошлар.

Кўкработнинг даласида ҳазорисанл, Бўймодарон бўлиб дарди балонинг олсам. Кўзтикандай асраб сени суқдан, кўздан, Қаҳрабо тошдай дилингга қувват солсам!..

Ямоқ-ясоқ энгил бошда ўйнаб юрар Тўроқ кечиб келажакнинг сайроқ найи... Сен чигитдай нафасларинг базўр урар Тиширичаб турган эрка бўзтўрғайим,

Ёстигининг тепасида шамдай эриб, Кўксин қалқон қилаётир оназор, Сенинг ранги олинг, кўриб, ҳолинг кўриб, Пар-пар учқур хаёлларим бўлди абор...

Дард ҳам ўтар, отдай бўлиб кетарсан ҳам, Дили доғда қолар гаддор қайғу-алам. Сув тутайин сенга биллур булоқлардан, Оғушимга олай сени мисли кўклам:

Қош билан қобоқ ороси, десам, Кўзимнинг оку қароси, десам, «Ёсин» ўқисам, «фалак» ўқисам, Халқимнинг жавҳар сараси, десам!

Киссамдаги кишимнинг, десам, Асли тоза кумушим, десам, Кўлларда сўна-сўқурим, Келбатда Алломнинг, десам.

Давлатим-сен десам, савлатим — сен десам, Халқим-сен десам, миллатим — сен десам, Дардинг қора тоғларга урсин-а, «Кўзим устима миннатинг» десам...

Таваккал қилдим-у оловга кирдим, Товоним ем бўлди лаққа чўлларга. Симдаги дорбоздай ўтга югурдим, Томоша топилади дарди йўқларга.

Ўтин қалайверди белард оломон, Иғводан, фитнадан, фиску фужурдан. Қирқ оғайни гулдай бу олов хирмон Покланиб ёдим мен илохий нурда.

Сўзларим қичқириб қўшлай уқидлар, Эътиқод, муҳаббат, ишқ учқунлари. Кўзларим сеҳрини аста ечдилар Жаннатий азобнинг бод-қуёнлари.

Саҳрони қоплаган кўкламий майса Шивирлаб пойимга бош уриб йиғлар. Оби раҳмат дея майин жилмайсам, Жаранаглаб сочилди ерга ақиқлар.

Мен байъат келтирган Йймон чин эди. Ихлосим пок эди, Ишқим эди рост. Мен-ку кул бўлмадим. Бурқираб дули, Кул сочиб ўйнайди уч-тўрт ишқибоз...

Мен кимнинг букилган қалдини кўрдим, Қовурғам қайишди, боғди жигарга. Игна кўзича нур истаб югурдим, Мехримни кўнгирак қилиб кимларга?

Сабримни совурди сўник нигоҳлар, Олтин кукунлай тўзди тоқатим. Юрагини тигдай тилди чақмоқлар, Айқаш-уйқаш бўлди азоб-роҳатим —

Истадим: осмонга парвоз айласа Озол, эрка руҳлар, дилбар хаёллар. Нозли сирларига сирдош сайласа Кетмонга боғланиб қолган аёллар.

Булбули нолондек ёндим, сайрадим, Кимий бўлмоққа бор эди чоғим. Ёп-ёруғ юзимга чизик тортиб жим, Бўзга сотли-кетди уруғ-аймоғим...

Кимий бўлмоққа бор эди чоғим!

Хали Сизга дард айтдимми, Эсиз маним сўзим-а. Деворга сўз қотгунча то Тиг урсайдим ўзима!

Сўзим ерда қолганича, Шайтон буйни синсайди. Ёки сўзим харсангларда Майса бўлиб унсайди.

Дарёларга айтганимда Салаф кўнирида ул? Ё чўлларга шивирласам, Очиларди навуғул.

Тоққа айтсам унал сўзини, Қайнар булоқ бўларди. Қудуқларга айта қолсам Най-кўнгирак бўларди.

Кўлоғи том битталарга Айтсам, довул бўларди. Вардозиенинг кўксиде ё Бир саксовул гапирдим.

Шамол куни бағирдим, Довшим зое кетди ё? Бир ҳикматни минг олтинга Олар дамлар ўтди ё?

Мен элим-ку сўз инжусини Елга сочмас нозиктаб... Бойлигини дев талаган Хумга ўхшаб қолди қалб...

Хижиллик курсини. Хижолат, сариқ бўлмоқ ёмон. Юрагинда ҳаво қорасон, Тиш оқини кўрсатмоқ — ёмон.

Сабринг дарёлдай тўлмоқ ёмон. Кўнглинг кўлдай қуриб, Бардошинг мумдай эриб, Сомондай соврулмоқ ёмон.

Ўзингни шер билмоқ ёмон. Ўзгани — чумоли билмоқ ёмон. Майдонга кириб, жўмардан эмас, Номардан йиқилмоқ ёмон.

Ўтгани бошдан оширган яхши, Ганимдан дардин яширган яхши, Нокаслан ҳиммат сўрагунча, Қора ерга бош урган — яхши!

Бу жароҳат чуқур, Азоб — аччиқдир, Сабрдан ўзга бир табиби йўқдир. Ярадор кийикдай Бир чашма қилди, Аллоҳнинг сенингдек Ҳабиби йўқдир.

Изла равочларнинг Илдизларини, Мехригёларнинг қирмизларини, Ё кўли Қуббонинг жазирасида Кумгондай қайнар кум-дентизларини!



Сени хўп сийлади дард билан ҳаёт, Яна шифосин-да берди мехрибон. Адашдинг, мункидинг, чиқардинг қанот, Гоҳ бошинг — осмонда, гоҳо дилинг қон.

Давраларга кирдинг иззатли, камгап, Кучоғини очди басавлат элинг: Алқад, суяди ўз қизи атаб, Эл ичинда қисқа бўлмади тилинг.

Энг баланд минор ҳам Ердан юксалар, Сенинг таячинг шу, собит юлдузинг: Дуога қўл очиб қолган кексалар Доно сўзларидан излагин элинг.

Сенинг таячинг шу, собит юлдузинг!

ТҮРТЛИКЛАР

Уйку кўздан қочиб кетган бир кийик, Ани қувламоққа малор қайдалур? Соҳанда, дил сатхи тут каби ўйиқ, Унингдай ҳасратли дутор қайдалур?

Яхшиинги оширган — мехрибон элинг, Ёмонинг яширган — мехрибон элинг, Шамолларонинг ҳам — соябон элинг... Кўксинга эл каби тумор қайдалур?

Фалак айвонида буржа фараҳман, Гаҳи бахтдан, гаҳи дардан қараҳман. Қаю офтоб ўтиблур бошингиздан, Мехр боғида-ку кўм-кўк дараҳатман.

Мен — анжир тулиман, Тўзим билмасман, Ҳамалида кечар қузим, билмасман, Маюс кўзларимга мўлтираб боқма, Ўзимнинг кўнглимни ўзим билмасман...

ФАХРИДДИН

Симёғочнинг симларидай хотира

СЕВГИМ

Шамолга алданган қузги япроқдек Мен кетдим, Севгим сен қувониб яша. Ойнинг қўйнидаги кемтик ўроқдек Будутга ёнбошлаб, қилай томоша. Симёғочнинг симларидай хотира Тўлоқ кечаларга Осилиб қолсин. Тўлмаган бу кўнгли, тўлмайин сира Тақдир йўлларига Сочилиб қолсин. ... Йилларга тараф йўқ,



Қаттиққўл Ҳакам, Ёмғирлар қайнайди қозонларида. Андуҳдан чайқалар чаманлари ҳам Қўзгалдоқ йиғлайди азонларида... Севгим,

энди менинг руҳим яланғоч, Тўкилар кўёши, дув-дув, тинмайди. Ҳар кеч тушларимни дарди бир қулоч, Сочи узун-узун бир қиз қийнайди. Мен уни севгандим, севдим, шунчалик. Юпанчим юлдузли тун бўлди фақат. Оҳ, сенга қайтмоқлик энди телбалик Парталарни тирнаб қолган Муҳаббат. Ошқора қуймайин, пинҳон зериккан Севгим! Кетдим мен, яйраблар яша. Ой билан сирлашиб, кашталар тиккан Қишлоқнинг энг гўзал қизига ўхша.

Шамолни севди у дастлаб, ўртаниб, Илк бора тирнади ҳижрон кўксини. Лек беқарор шамол аҳдидан тониб, Кўлин сийтаб кетди. Қолди ўксиниб.

У жайронни севди оташқалб билан, Тундай кўзларини ҳаёт деб билди. Аммо жайрон яшар чўққилар баланд, Чиколмай бардоши тутдай тўкилди.

Баҳорда лолалар уни алдади Оқ либосли кетди аразлаб,

Қалбини саноқсиз армон чулғайди Йилларга термулди вафо, ёр излаб.

Дардини тўкиш-чун сойга келди-ю Сувга қараб юмди икки кўзини. Ўзининг кимлигини билмас эди у Ҳеч қачон кўрмаган эди ўзини.



Биринчи партада ўтирар эдинг, Дугонанг пичирлар, сен қулар эдинг, Доска қаршинга-ю ўтрилиб ҳар кун Охири партага термулар эдинг.

Севги нима эди, у қандай олам? Билмасдик ҳаммамиз, билмасдик мен ҳам, Синфимиз тарихни жим тинглаган дам Охири партага термулар эдинг.

Йиллар ўтди, йил кетидан эндилар, Маъсум дамлар ширин ўйга чўмдилар, Кўнгириқнинг жаранглари тиндилар, Охири партага термулар эдинг.

Мўъжиза рўй берса, айланиб тақдир, Тиллога айланса қўйнимдаги сир, Ўйинчи «А» яна йиғилсайди бир, Охири партадан термулар эдим.

Озод Ватан жамоли



Менимча, сунгги турт йил мобайнида Республикамиз уттан йулнинг энг муҳим якуни — бизда келажатимиз порлоқлигига ишончингиз узил-кесил қарор тошгани бўлди. Биз интизорлик билан кутаётганимиз жозибадор истиқбол билан юзма-юз бўлишимиз жуда яқин эканини сезиб, висол завқи билан тудмоқдамиз.



Иззат СУЛТОН, академик

ТАРИХИЙ ЖАРАЁН ИШТИРОКЧИСИМИЗ

Бир йил аввал эшитмадик? Ахир, мақсадимиз — шахсий ташаббус, истиснод ва моддий манфаатдорликка суянган ва инсонни инсондан яшамоғини таъмин этадиган жамият яратиш экан, — бу йилда яна ҳам шахдамроқ қадамлар ташаббусимиз мумкин эди-ку!

Албатта, бунинг ҳам уз сабаблари бор. Менимча, бу сабабларнинг бири — янги замоннинг янги-ҳақиқатлари, янги-ҳақиқатларнинг, асосий қонунлари халқимиз онгига биз кундан кўра нисбатан сустроқ сингаётганидир. Масалан, биз гоҳида «янги боиларимизга салбий муносабатларга ҳам дуч келиб турибмиз. Ваҳоланки, янги мулкдорлар синфининг пайдо бўлиши ва ривож қиллиниши тез борса, жамиятимизнинг ҳар соҳадаги ютуқлари шунчалик тез кўпаяди. Боилар қўлаймугунча қўли қисқалиқнинг йуқолиши сустро кечади. Бу ҳақиқат энди ҳар бир ёш боила ҳам аён бўлиши кескин омилкори, мод-

Эндиги вазифаларимиз ҳақида ҳам уйлаб қурайлик. Менимча, халқимиз онгига «социализм сарқитлари» — нажотни фақат давлатдан кутиш, тайёрга айёрлик, ҳаммани барбарлаштириш кайфиятлари барҳам беришда, ташаббусга, иқтидорга, меҳнатсеварликка кенг йул очишга ва ҳам-

Мустақиллик менинг ҳаётимда

дий ва маънавий қадриятларни яратишнинг ҳар бир виждонли иштирокчиси бундан буён санъатимиз ва адабиётимиз асарларида марказий урин эгалламоғи лозим.

Бу «ёзувчи ва санъаткорнинг муқаддас бурчи. Жамиятнинг тақдирига ҳеч қачон бефарқ қарамаган ёзувчи ва санъаткор бугунги буюқ тарихий жараёндан четда туриши мумкин эмас. Тарих гувоҳлик берадики, янги, буюқ гоилар кенг омма онгига сингиб кетганида қудратли кучга айланади. Республикамизнинг янги-ҳақиқат билан фахрланиш, Мустақилликнинг қадрига етиш, Конституциямизни, Байроғимизни, мадҳиямизни ва Президентимизни чексиз ҳурмат этиш ҳаммамиз учун оддий ахлоқий қоида бўлиб қолиш лозим.

Республикамизнинг гузал келажига ва ҳар биримизнинг манфаатларимиз шуларни тақозо этади.

ҚУТЛУФ САДО

ни санар бўлсам... шу дарахнинг япроқларича чиқар! Балки ундан ҳам кўпроқ...

Истиқлол — АРМОН. Истиқлол — УМИД. Истиқлол — ИШОНЧ. О, Армон, армон-а... Юрган йулнинг чакиртикана, етанинг заққум, ичганинг оғу бўлди. Сенгининг жонинг бунчалар қаттиқ, умринг бунчалар уз-у-ун бўлди. Бир юз қирқ йил тарих учун ҳеч гапдир, лек улуг Туркистон учун... азобли истиқлол бўлди!

Умид! Сени қоғоз деб отганларнинг юзлари қаро, қуқсилари яро бўлди. Сени байроқ қилиб жангга кирганлар, охири-охири бошини кундага қўйганлар, дорда қатор осилганлар марлиги эл оғзида достон бўлди, асрларга афсона бўлди. Широқ ва Тумарислар, Темур Малик, Номоз Ботирлар, Жалолиддин Мағуберди, Қурбоншоҳ Долхонлар, Дучки Эшонлар эли улар. Улар тиркилардан-да тирки бўлди, номлари яна сарбаланд, узлари азизу мукаррам бўлди!

Ишонч! Сурмаранг саҳарнинг, ботаётган қушнинг, қорайган замин, зим-зим туниги ортда яширинган мўъжиза — Сепсан. Эл-улус борлигини ҳис этиб ухлайди, нафасини сезиб уйғонади. Жисму жонга қувватсан, руҳга қанотсан. Яхшиям сен борсан...

Истиқлолнинг гуногун фалларида ҳайрат нурланди, жасорат нурланди. Сунг нурга беланиб Ишқ гуллади, Юрак

гуллади. Ҳаёт боғлари гуллаган ишққа, гуллаган юракларга тулиб нурафшонланди. Кейин мен Озодлик осмонда Ўзбекининг ўзи дунёга берган улуг далолатларининг мунаввар чехраларини кўрдим. Улар гоҳ йиғлаб, гоҳ қулиб турар эдилар. Қулгилари, йиғиларида голиблик нашидаси, сурри бор эди!

Улар — қон томирларимиз. Улар — жон томирларимиз. Шу томирлардан қон олиб, жон олиб Туркистон Бештигида юрт улгаймоқда, Ватан улгаймоқда. Асрларга бегулик тарих улгаймоқда!

Истиқлол. Сен тугилган тонг тонлар ичра энг сара эди. Сен тарихга битилган қун қушлар ичра пурмайло эди. Сени лётан эл эдилар ичра энг доно эди. Шу элнинг узи-юзи таъзим этай, ўзбекман деган утил-кизи-тада таъзим этай, юрт тақдирини деб қуянган Сарқорнинг сузи-юзи таъзим этай.

Истиқлол. Сен Ишқ бул. Токи юраклар сенинг маънагиндан оловлансинлар. Сен Йймон бул. Ахир, Ер қошига йймон билан бормоққа не естин! Сен Тоғ бул. Жангу жалааларда ҳориган, йиқилган, қуритан вужудлар, тутган бардошлар, сипан қанотлар сенга суяйсинлар. Ором олишин.

Сен тоғ уларга, суянг тоғи бул! Гулчехра ЖАМИЛОВА



Муҳаммадин Расулов 1949 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент Архитектура институтини тугатган. «Ташеппла-лойджа» илмий-тектириш институтида, республика Бадий фондига ҳайкалтарошлик-монументал санъат комбинатида бош муҳандис, С. Раҳмонов тумани бош архитектори, шаҳар курилиш бошқармаси бошлиғи, Тошкент шаҳри бош архитекторининг уринбосари бўлиб ишлаган. 1991 йилдан буён шаҳар бош архитектори.

— Менинг узим ҳам ана шу Сиз таърифлаган Эски шаҳарда туғилиб устман. Ҳозир ҳам уша ерда турман. Бинобарин, бу маскан тақдирини мен учун ҳам муҳим. Нега йиллар Эски шаҳар бўлибди, қайта қурилармикин деган гапларини эшитиб янаб келдик. Лекин, мана шу бугунча бундай қийин ва ниҳоятда масъулиятли ишни бошлайдиган одам топилмай келди. Чунки бу жойларни бузиб, қайталан тиклаш учун ҳазилакам куч керак бўлмасди. Ахир, узингиз ҳам яхши биласиз-ку, Эски шаҳардаги ҳар бир хонадонда нечта лаб оғиллар истикомат қилишсини. Бу уйларни бузиш ана шу оғилларнинг ҳар бирини алоҳида — алоҳида уй-жой билан таъминлаш дегани. Эҳж, бундай ишнинг қуламани тасаввур этиб қуригичи!

ТОШКЕНТ — БАРЧАМИЗНИНГ ИФТИХОРИМИЗ

бон кучаси Катта айланма йулгача, Форобий кучаси эса Тошкент Маъдани сувлар жамоа хужалигига қалар кенгайди. Албатта, бирдан ҳаммасини қилиб бўлмайди. Ҳозир йул туптан жойлардаги оғилларнинг турар жой масаласи ҳал қилиб бўлинди. Муҳими шундаки, бу оғилларнинг ҳаммасига ўз районларини худуддан ҳал берилди. Янги қурилган 1400 квартира эгаларига топширилади.

— Йулни қуришда қайси ташкилотлар қатнашди? — «Ташинвестқурилиш», «Узавтойу» концерни, республика курилиш корпорацияси трестлари, Давлат сув хужалиғи курилиши концерни ҳолимлари катта қудамдаги ишларни тез фурсатда амалга оширишди. Янги троллейбус линияси ҳам ишга туширилди. Энди Эски шаҳардан Хусниддин Асомов кучасигача автобуслардан ташқари, троллейбус қатнови ҳам йулга қўйилди ва аҳоли учун катта қулайлик яратилди.

лиқда ишлар бошланди. Асосий лойиҳани биз берамиз. Бинобарин, бу лойиҳаларда халқимизнинг бой қурилиш анъаналари, аҳолининг талаб-эҳтижлари ўз аксини топган бўлади. Ҳар бир хонадон соҳиби ўзи учун алоҳида уй-жой тиклаб олиши мумкин. Бунда ҳатто икки қаватли қилиб уй қуриш, биринчи қаватта ўзи шуғулланадиган касбига оид дуконлар очилиши ҳам имконият берилди. Хуллас, бажариладиган барча ишлар аҳолига қулайлиқни уялаб, биринчи навбатда уларнинг эҳтижларини ҳисобга олиб амалга оширилади.

Гап йуллар ҳақида кетаётгани учун катта ишлардан яна бири — Фарғона йули ҳақида тўхталмоқчи эдим. Агар қурган бўлсангиз, бу йул 70 метрга кенгайтирилди. Қулайликча троллейбус қатнови йулга қўйилди. Кейинроқ бу йул Бектемиргача узаяди. Шунингдек, Фарғона йулининг икки томонда 2-3 қаватли котеж типидagi уйлар қурилиши бошланди.

жойнинг яқинидаги б-пиво заводи ҳам қурилиб, унинг ерлари ботга қўйиб юборилди. Ниҳоятда кулиб кенг бўлган меҳнатқилларнинг ҳақиқий дам олиш зонасига айлантирилди. Энди «Пахтакор» марказий стадиони келсак, бу жой жаҳон стандартларига жавоб берадиган спорт комплексига айланиши керак. Бугун Ўзбекистон ҳамма соҳада бўлгани каби спортда ҳам жаҳоннинг етуқ мамлакатлари қаторидан ўрин олиш мақсадида оламшумул спорт галабалари сари юз тугган экан, унинг физкультура ва спорт масканлари ҳам ана шу катта мақсадга хизмат қилишга лойиқ бўлмоғи лозим.

Шунинг учун Германия мутахассислари билан биргаликда «Пахтакор»ни қайта қуриш мўлжалланган. Бунда биринчи навбатда қушимча уйингоҳлар қурилиб, ишга туширилади. Трибуналнинг усти ечилиб, томошабинларга қулайлик туғдирилди. Анҳор бўйларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

куркига қурқ қулади. Шаҳарнинг марказий ерида яна бир объект ишга тушиди. Бу Хиндистон мутахассислари билан ҳамкорликда бунёд этилган «Тата» меҳмонхонаси. Ушбу меҳмонхона қурилиши, барча қулайликлари билан жаҳон стандартига қурқ қулади.

Бозлар ҳақида гапиратганимиз учун Ўзбекистон, умуман, Урта Осиё регионда янглик бўлган «Тошкентленд»га тўхталмасак бўлмас. Шунга фахр билан айтиш мумкинки, бунақа уйингоҳ бошқа ҳамдустлик мамлакатларида, ҳатто баъзи ривож

